**“APPROVED”**

**The Extraordinary General Meeting of Shareholder of “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” JSC**

**« 14 » august 2019 й**

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида**
**« 14 » август 2019 й**

# REGULATION ON THE MINORITAR SHAREHOLDERS COMMITTEE OF JOINT-STOCK COMPANY “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS”

# “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

**Kokand 2019**

**Қўқон 2019 й**

## I. General provisions

1.1. This Law was adopted in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights”, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On Measures for Implementation of Modern Corporate Governance Methods in Joint Stock Companies” The Corporate Governance Code approved by the Decree No. 9 as of December 31, 2015 and Charter of the “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals”

1.2. This Regulation defines the procedure, rights and obligations of the Committee of Minority Shareholders.

1.3. This Committee is set up to protect the rights and legitimate interests of minority shareholders.

## II. Powers of the Minority Shareholder Committee

2.1. The competence of the Minority Shareholder Committee includes:

2.2. Participation in preparation of proposals on major transactions and transactions with affiliates, submitted for consideration by general meeting of shareholders or the Supervisory Board of the Company;

2.3. Consideration of appeals by minority shareholders on the protection of their rights and legitimate interests;

2.4. To submit petitions to the authorized state body on regulation of the securities market on protection of rights and legitimate interests of minority shareholders;

2.5. Consideration of other issues in accordance with the legislation and the company's charter.

2.6. A minority shareholder committee has no right to interfere in the economic activities of the company.

## I. Умумий қоидалар.

1.1 Мазкур Низом Ўзбекситон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Низом “Миноритар акциядорлар қўмитаси”нинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.3. Мазкур Қўмита миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади.

## II. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатлари.

2.1. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

2.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

2.3. Миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

2.4. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

2.5. Қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

2.6. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

2.7. Interference of the Supervisory Board or the executive body of the Company with the activities of the Minority Shareholders Committee is not permitted.

2.8. A minority shareholder shall not impede the activities of the governing body of the Company by unreasonable demand of documents and the use of confidential information, trade secrets.

2.7. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

2.8. Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

**III. Election of members of the minority shareholders committee.**

**III. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларини сайлаш.**

3.1. The number of members of the minority shareholders committee is determined by the charter.

3.2. Proposals for candidates to the Minority Shareholders Committee shall be submitted to the Company in the manner and within the timeframe provided for the submission of proposals to the Supervisory Board of the Company.

3.3. Shareholders present at the general meeting of shareholders who have not nominated candidates to the Supervisory Board or who are not nominated for the Supervisory Board at the general meeting of shareholders shall participate in the election of members of the minority shareholders committee.

3.4. The Committee of Minority Shareholders may not include the director, board members of the company, as well as persons elected to the Supervisory Board and the Audit Commission (Auditor).

3.1. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони жамият уставида белгиланади.

3.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

3.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

3.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

**IV. Powers of the Minority Shareholder Committee:**

**IV. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатлари:**

4.1. Participation in the preparation of proposals for major transactions and transactions with affiliates, submitted for consideration by the general meeting of shareholders or the Supervisory Board of the Company;

4.2. Consideration of appeals by minority shareholders on the protection of their rights and legitimate interests;

4.3. To submit statements to the authorized state body on regulation of the securities market on protection of rights and legitimate interests of minority shareholders;

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

4.2. Миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

4.3. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

тўғрисида мурожаатлар киритиш;

4.4. Consideration of other issues in accordance with the legislation and the company's charter.

4.4. Қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

**V. Chairman of the Minority Stock Committee.**

**V. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси.**

5.1. The Chairman of the Minority Shareholder Committee shall be elected from among its members by a majority vote of the Minority Shareholders Committee.

5.1. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

5.2. The chairman of the minority shareholders 'committee has the right to use public documents on all matters within the competence of the minority shareholders' committee.

5.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

**VI. Activities of the Minority Shareholder Committee.**

**VI. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолияти.**

6.1. The procedure of functioning of the Minority Stock Committee is approved by the securities market regulating state authority.

6.1. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

6.2. A minority shareholder committee has no right to interfere in the economic activities of the company.

6.2. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

6.3. Interference of the Supervisory Board or the executive body of the Company with the activities of the Minority Shareholders Committee is not permitted.

6.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

6.4. Minority shareholders report annually at the General Meeting of Shareholders.

6.4. Миноритар акциядорлар қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

**VII. Decision of the Minority Shareholders Committee.**

**VII. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарори.**

7.1. Minority shareholders' decisions are taken by a simple majority of votes.

7.1. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7.2. Meetings of the Committee of Minority Shareholders are authorized when no less than three-quarters of the elected persons are present.

7.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.